ХАБАРЛАР

Темир йўлдаги «Жайрон»

ҚАШҚАДАРЁ. Нишон туманидаги янги темирйўл бекати «Жайрон» деб аталди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси Қарши бўлими бошлиғи А. Тўйчиевнинг сўзига қараганда, янги бекат юртимизнинг йирик қурилишлар —Толимаржон ГРЭСи, Шўртангазкимё мажмуасини тезроқ фойдаланишга топширишда аҳамият касб этади. Муҳими 4,5-5 миллион сўмга яқин маблағ тежалади. Янги бекатда эса барча юмушларни бажариш учун шароитлар муҳайё.

Юнус УЗОҚОВ

«Ўзбекистон» шаробига олтин медаль

Санкт-Петербург шаҳрида антиқа кўрик ўтказилди. Бу ерга жаҳоннинг 17 мамлакатидан келган мутахассислар ўз маҳсулотларининг «имтиҳон»дан муваффақиятли ўтишига умид боғладилар. Гап шундаки, бу йиғин «Ароқ-шароблар ярмаркаси — 98» деб аталди. Шароб — коньяк ва ликер — ароқ бўйича алоҳида талабчан синовчи-ичувчилар комиссияси аъзолари маҳсулотларни баҳоладилар. Ярмаркада «Тошкент шароб комбинати» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳамда Ховренко номли Самарқанд шароб комбинати ўз маҳсулотлари билан қатнашдилар. Албатта, халқаро ярмаркада муносиб ўрин олиш осон эмаслиги аён эди. Биргина шаробларнинг ўзидан 200 хили баҳоланиши кўзда тутилганди. Шунга қарамай, Самарқанд шароб комбинатида ишлаб чиқарилаётган «Ўзбекистон» маҳсулотининг татимини нуфузли комиссия аъзолари юқори баҳолаб, олтин медалга лозим топишди. «Самарқанд» бальзами бўйнига ҳам олтин медаль осилди.

Тошкент шароб комбинатининг навли «Гулакандоз» («Гулихандоз») маҳсулоти кумуш медаль билан тақдирланди. Шунингдек, «Алеатико» шаробига ҳам кумуш тамға соврин бериладиган бўлди. Айни пайтда, Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «КС Шердор» коньягига кумуш, «КВ Самарқанд» маҳсулотига бронза медаллари берилди. Ярмаркага ликер ароқ маҳсулотларининг 300 хили тақдим этилган бўлса, улар орасида «Тошкент» махсус ҳамда «Ўзбекистон» ароқлари бронза медалига лойиқ топилди. Бир сўз билан айтганда, ярмаркага олиб борилган 10 хил ичимлик маҳсулотининг ҳаммаси муносиб баҳоланди. Демак, бу соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракаталар ўз самарасини бериб, тез орада маҳсулотларимиз жаҳон андозаларига мос ҳолда халқаро талабларга жавоб берадиган бўлади.

Мирзо АНВАР

ЎЗГАРИШЛАР

Наманган қоғози

Охирлаётган асримиз тараққиётида қоғознинг ўрни мисли сиз бўлди. Вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами ҳамда тадбиркор ва ғайратли раҳбар Жўрахон Ҳошимовнинг саъй-ҳаракати билан қоғоз муаммосига малҳам топилди. Наманган шаҳрида «Намбум ЛТД» ўзбек-немис қўшма корхонаси ишлай бошлади.

Корхона учун ҳозиргача 9 миллион доллар маблағ сарфланди. Қоғоз ишлаб чиқариш асосан макулатура ва пахта линти ҳисобига амалга оширилади. Жаҳон стандарти даражасидаги сутдек оппоқ ёзув, газета ҳамда ўраш учун ишлатиладиган қоғоз маҳсулоти бўлган корхонага буюртма берувчи харидорлар тобора кўпаймоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 4 июль, шанба • № 79 (22.316).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Катта фойда йўлидаги ҳамкорлик

Испаниянинг «Вангуардиа» газетаси Хитой Ғарбнинг ҳамкорликка интилаётганлигидан катта фойда кўрмоқчи. Шу баҳонада Хитой умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб савдо-сотиқ соҳасида катта қулайликка эришмоқчи. Шунингдек, америкаликлар унинг Тайван билан муносабатларида хайрихоҳлик қилишини ҳам истайди. Бунинг эвазига Хитой аниқ ўйин қоидаларига риоя қилмоқчи. Маълумки, Хитой валютасининг инқирозга учраши сезилмаяпти.

АҚШ — янги мулоқотлар пайида

АҚШ Покистон билан янги мулоқотларни бошлаб юбориб, икки томонлама муносабатларда янги боб очмоқчи. Бу ҳақда Америка сенатори Сэм Браунбек Исломободда айтди. Унинг айтишига кўра, АҚШ Покистон билан икки томоннинг манфаатига хизмат қиладиган муносабатлар ўрнатишни режалаштирмоқда.

Сув ости атом қайиғини яратмоқчи

Ҳиндистон 2004 йилга бориб, Россия ёрдамида сув ости атом қайиғини яратмоқчи. «Чикаго Трибьюн» газетасининг ёзишича, қайиқнинг асосий корпуси ва реакторини бунёд этиш шу йилиёқ якунланади. Ҳиндистон яқин келажакда жами бешта сув ости қайиғи бунёд этмоқчи.

Туркияга ёрдам

Маълумки, Туркияда рўй берган кучли зилзила натижасида кўплаб уй-жойлар вайрон бўлганди. Украина эса ушбу мамлакатга ёрдам беришга қарор қилди. Украина Президенти Леонид Кучманинг Туркия Президенти Сулаймон Демирэлга юборган телеграммасида чуқур таъзия билдирилади. У Туркия Президентига мурожаат қилиб, зилзила оқибатида юз берган оғир вазият туфайли биз сизга ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдирамиз ва ҳар қандай шароитда Украина халқидан ёрдам кутишингиз мумкин, деб ёзади. Мен Туркияга малакали қутқарувчилар юборишга тайёрман, деди.

Нарх оширилишининг оқибати ёмон бўлди

Яманда ҳукумат қўшинлари билан кўчманчи қабилаларнинг жангарилари ўртасида қақшатқич жанглар давом этмоқда. Инглиз тилида чиқадиган «Йемен Таймс» газетасининг хабарига кўра, жангларда ҳозиргача 52 киши ҳалок бўлиб, 214 киши жароҳат олди. Яман ҳукумати 19 июнь куни аҳолига етказиб берилаётган керосин ва газ нархини 40 фоизга ошириш ҳақида қарор қабул қилгандан сўнг бутун мамлакат бўйлаб исёнлар бошланиб кетди. Исёнларни бостириш натижасида эса қанча-қанча кишилар қурбон бўлмоқда. Нархни ошириш ҳақидаги қарор халқаро валюта жамғармасининг талаби билан амалга оширилган эди.

XXI аср ўзбек ёшлари

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Нонинг бутун, Ўзбекистоним!

Мамлакат дон мустақиллигини таъминлаш йўлида бухороликлар саъй-ҳаракат қилишмоқда. Улар бу борада маррага етиб, улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар. Давлатга 114500 тоннадан зиёд дон топширилди. Бу ғалабага Пешку туманидаги Ибн Сино номли, Шофиркон туманидаги «Бухоро», Ш. Рашидов номли, Бухоро туманидаги «Маданият», Вобкент туманидаги Ал-Бухорий номли жамоа хўжаликлари гектар бошига 41-46 центнердан ҳосил кўтариб, муносиб улуш қўшдилар. Ғаллакорлар яна 10 минг тонна дон топширишмоқчи.

Даврон БАҲРОНОВ

***

Жомбой тумани ғаллакорлари давлатга 26685 тоннадан зиёд дон топшириб маррага етдилар. Ҳосилдорлик 41,5 центнерни ташкил этди. Бу ютуққа «Ўзбекистон», «Ҳақиқат», «Гулистон», «Ғўбдин», «Зарафшон» жамоалари ҳамда «Жомбой» ёпиқ турдаги пайчилар жамияти муносиб ҳисса қўшдилар. Жомбойликлар жами 50 минг тонналик хирмонни кўзлашмоқда. Иштихон ва Самарқанд туманлари ҳам давлат режасини уддаладилар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

***

Навбаҳор тумани ғаллакорлари ҳам 15700 тонна дон топшириб, режани бажардилар. Гектаридан ўртача 32,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Навбаҳорликлар жами ҳосилни 25,5 минг тоннага етказишмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ

***

Тошкент тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон топшириш режасини уддаладилар. Эл хирмонига 5700 тоннадан зиёд сара дон тўкилди. Шунингдек, Қибрай тумани ғаллакорлари ҳам зафар қучишди. Гектаридан 45 центнердан сара дон йиғиштириб олишди. Хирмонга 6700 тонна дон уюлди. Миришқорлар яна минг тонна ғалла йиғиштириб олиш йўлида ғайрат қилишмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ

Факт ва шарҳ

Иттифоқчининг «илтифоти»

Жаҳон жамоатчилигига яхши маълум бўлган Беларусь пойтахти Минскдаги элчилар уй-жойлари билан боғлиқ воқеаларни мамлакат Президенти А. Лукашенко янгидан-янги тафсилотлар билан «бойитиб» бормоқда. Маълумки, Беларусь ҳукуматининг қарори билан «Дрозди»да жойлашган элчилар ҳовлилари «Президент қароргоҳи» деб эълон қилинганидан сўнг, бу қарорга норозилик сифатида АҚШ, Туркия, Япония, Болгария, Польша, Литва ва Европа Иттифоқига аъзо бешта мамлакатнинг элчилари Минскни тарк этишди. Чунки, мазкур қарор хорижлик элчиларнинг бошқа мамлакатларда бўлишини тартибга солувчи халқаро Вена конвенциясига мутлақо зиддир.

Беларусь ҳукуматининг бундай ҳаракати ушбу мамлакат Президентининг Швейцарияда бўлиб ўтган иқтисодий анжуманга ташрифига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Президентнинг ташриф доирасида аввалдан режалаштирилган учрашувлари амалга ошмади. Боз устига ҳатто матбуот конференцияси ўтказиш учун ажратилган хона эшигига ҳам қулф урилди. Бундай муносабатдан тутоқиб кетган А. Лукашенко бутун аламини... Россиядан олди. Матбуотнинг ёзишича, А. Лукашенконинг Россия шаънига айтаётган ҳақоратомуз гаплари ҳеч кимни ҳайратга солмай қўйган. Аммо, у бу сафар Россияни хорижликлар олдида ҳақорат қилди, деб ёзади «Известия» газетаси. Маълумки, Беларуснинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишга қаратилган саъй- ҳаракатлари бир неча йиллардан буён беҳуда кетмоқда. Элчиларга нисбатан қўлланган «тадбир»дан сўнг бу масала умуман муҳокамадан ҳам олиб ташланди. «Бу ташкилотга аъзо бўлиш учун, баъзи бировлардек парламентни танклар билан ўққа тутишга керакка ўхшайди», деб ўз зардасини изҳор қилган Президент айни ўринда ўзининг ягона иттифоқчиси Россияни назарда тутди. Кузатувчилар Лукашенконинг бу гапини «энг яқин дўстининг орқасидан хоинларча пичоқ санчиш билан баробар» деб баҳолашди. Чунки Беларусь раҳбарининг ушбу фикри Россияни Европа Иттифоқи аъзолигидан чиқаришга даъват сифатида қабул қилинди.

Россия оммавий ахборот воситалари ёзишича, мамлакат чуқур молиявий инқирозни бошидан кечираётган, халқаро валюта жамғармаси қарзига муҳтож бўлиб турган бир пайтда иттифоқчи давлат раҳбарининг Ғарб вакиллари кўзи олдида Россияни обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатлари дўстнинг ишимикин? Аксинча халқаро конференция давомида Россия делегацияси аъзолари Беларусни ҳимоя қилишга ҳаракат қилишган. А. Лукашенко эса ўз миннатдорчилигини ўзига хос тарзда ифода қилган.

Россия элчиси В. Лощининнинг «Дрозди»даги уйида ҳам «таъмирлаш» муносабати билан сув, электр энергияси, телефон узиб қўйилган. Элчининг уйи Россия ва Беларусь ўртасидаги шартномага биноан Россия мулки ҳисобланади. Ҳозир Россия элчиси ҳам Беларусни тарк этиб, Москвада дам олмоқда.

«КоммерсантЪ-DAILV» газетасининг ёзишича, «А. Лукашенко ўзи пиширган ошни қандай сузишни билмай гангиб қолган». Шундан бўлса керак, бир-бирига қарама-қарши баёнотлар бериб юбормоқда. У, элчилар қабулимга келиб ҳаммасини ётиғи билан тушунтиришганда эди, ҳеч қандай муаммо туғилмас эди, деб баёнот берган кунининг эртасигаёқ - «Элчилар эндиликда шахсан мени розилигим билангина Минскка қайтишлари мумкин», деб баёнот берди. Айниқса, Швейцариядаги форумда эса ўзига нисбатан муносабатни юмшатишга уриниб элчилар истаган пайтларида қайтишлари мумкин, деб турган одам, халқаро анжуман қатнашчилари билдирган танқидий фикрлардан сўнг наушникни зарда билан столга уриб, мажлис залини тарк этди.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги вакили Рахманин «Швейцарияда ўтган иқтисодий анжуманда Президент А. Лукашенконинг Россия шаънига айтган номақбул шамалари учун Беларусь томони тушунтириш бериши лозим», деди.

Кўпчилик Беларусь Президентининг Россия билан иттифоқ давлати вужудга келтириш ва шундай иттифоқ расман (албатта, амалда эмас) пайдо бўлгандан сўнг қадаҳни зарб билан ерга уриб, ҳаяжонланганларини яхши эсласа керак. Оммавий ахборот воситалари ва кузатувчиларнинг фикридан қуйидаги хулоса келиб чиқмоқда: А. Лукашенконинг Швейцариядаги баёноти — у Россия раҳбарлари билан абадий иттифоқ учун қучоқлашиб онт ичган пайтида ҳам енг ичида «ханжар» ушлаб турганлигидан далолат бериб турибди. Халқда дўст оғир кунда билинади, деган мақол бор. Россия иқтисодий жиҳатдан энг оғир кунларни бошидан кечираётган бир пайтда «иттифоқчи» давлат раҳбари ўз сиёсати муваффақиятсизликлари учун ўз «дўсти»ни айблади.

Жалолиддин САФОЕВ

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Сансоларлик

Афанди бир куни гўшт олиб, қассобдан бир танга қарз бўлиб қолибди. Майда топмай, новвой ҳам Афандидан бир танга қарз бўлибди. Афанди уйига келиб, худога ёлворибди: «Эй, худо! Мени овора қилмай новвойдаги бир танга пулимни қассобга ўтказиб қўяқолгин...»

«Нукуссут» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари ҳам шунга ўхшашроқ иш қилишади. Ҳозирда иккиучта ходими бўлган хусусий тадбиркорнинг ҳам, фермернинг ҳам банкда ҳисоб рақами, чўнтагида муҳри бор. Аммо, Тўрткўл сут заводидек кап-катта корхонанинг туман банкида алоҳида ҳисоб рақами йўқ. «Нукуссут» билан шартнома тузиб, Тўрткўл сут заводига маҳсулот топшириб, эвазига 400 километрга яқин йўл босиб марказга қатнашдек ташвишни сотиб олган фермернинг ҳафсаласи пир бўлади...

Шартнома туздими, маҳсулотни топшириб, пулини олиб ўтираверса-ку бўлади-я. Аммо, сутнинг ҳақи ҳадеганда келиб тушавермайди-да. Ана ундан кейин фермер «Нукуссут»га келиб ялиниб - ёлворади: «Икки-уч ойдан буён сутнинг пули тушмаяпти. Молларга ем олишга ҳисобимда пул йўқ...»

Шунда фермер «Нукуссут» ҳиссадорлик жамияти раиси Давлатбой Тожибоевдан бизга ҳам айтилган жавобни эшитади.

— Биздан қарзи бор корхоналарга хат берамиз. Биздан олган маҳсулот учун тўлайдиган пулни бизга ўтказманг. Биз ҳам овора бўлмайлик, сиз ҳам. Ўша пулни (ёки фалонча қисмини) Тўрткўлдаги фалон уюшма (ёки фалон фермер)нинг ҳисоб рақамига ўтказинг, деган мазмунда. Бундай хатни Тўрткўл тумани марказий шифохонасига, 5-интернатга, Эллиққалъа тумани улгуржи савдо корхоналарига берганмиз...

Шартномани ҳам эплаб тузолмаган фермернинг бу жавобга ишониши тайин. Аммо, билмайдики, у шифохона билан ҳам, интернат билан ҳам шартнома тузмагандан кейин, улардан қарзини талаб қилолмайди. Билмайдики, бу хатдаги сўровними, илтимосними банк ҳам бажармаслиги табиий — республика Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тўловларнинг учинчи шахс ҳисобидан ундирилишига йўл қўймаслик аниқ кўрсатилган.

Ана шундай аҳвол натижасида шаҳардаги маҳаллаларда ўз маҳсулотини сотаётган фермерларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Ончамунчага ҳуқуқий саводи етадиган фермер эса харидорга сутни «Нукуссут» орқали эмас, бевосита ўзи етказиб бераяпти. Айримлари эса сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Масалан, тумандаги «Намуна» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги «Машъал» фермер хўжалигида яқин атрофдаги фермерларнинг ҳам сутини қайта ишлаш имконияти бор.

Туман чорвадорлари заводнинг тўла қувват билан ишлаши учун етарлича сут етказиб бера оладилар. Аммо, бир вақтлар кунига 8-10 тонна сутни қайта ишлаган Тўрткўл сут заводига 3-4 тонна атрофида маҳсулот келтирилаяпти. У ҳам туман раҳбарларининг «бўлбўли» билан. Наҳотки, яхши моддий базага, ҳатто казеин ишлаб чиқариш цехига эга бўлган завод инқирозга юз тутса?

— Беш ойдан буён чорвадорларимизга маош бера олмаётгандик, - дейди Шароф Рашидов номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидаги наслчилик фермаси бош зоотехниги Сотим Омонов.- Яқинда қарзнинг бир қисми учун сариёғ беришди, ишчиларга тарқатдик...

— «Нукуссут» ўтган йилнинг охирида Хоразм вилоятидаги «Хоразм» савдо ишлаб чиқариш фирмасига сариёғ сотган. Ҳақнинг бир қисмини ундиролмай хўжалик судига беришган. Хоразм вилоят хўжалик судининг 5 миллион 167 минг сўмни ундириб бериш ҳақидаги қарори ҳали бажарилмаган.

— Яна қайта судга бермоқчимиз,- дейди жамият раиси Давлатбой Тожибоев.

Президентимизнинг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонида белгиланган хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун шахсан жавобгарлигини, балки айрим раҳбарларни бозор шароити ва талаблари тўғрисида жиддий бош қотиришга мажбур этар.

Яқинда тумандаги «Кўкча» хусусий фермасининг бош ҳисобчиси Комил Каримбоев ҳам «Нукуссут»дан 1997 йилнинг охирги ойлари ва жорий йилнинг дастлабки икки ойида топширилган сут ҳисобидан 500 минг сўм дебитор қарзлари бор эканлигини айтиб қолди. Демак...

Менимча, уларнинг яна «озгина» кутишларига тўғри келади.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲДП хабари

Вилоят кенгаши пленуми

ЎзҲДП Навоий вилоят кенгашининг ўн бешинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган хулосалар ҳамда Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгашининг ўн саккизинчи пленуми қарорлари асосида вилоят партия ташкилотлари олдида турган вазифалар борасидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан кенгаш биринчи котиби Рустам Ботиров маърузаси тингланди. Шунингдек, пленумда ЎзҲДП фракциясидан сайланган Олий Мажлис депутати, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти бош директори Ў. Рўзиқуловнинг депутатлик фаолияти ва партия топшириқларини бажариши юзасидан ҳисобот-ахбороти тингланди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида вилоят ҳокими ўринбосарлари А. Ҳайдаров, Л. Юрикова иштирок этди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тарихий хотира — ахлоқий ҳодиса

Миллий уйғониш маънавий уйғонишдан бошланади. Маънавий уйғониш моҳиятида эса, жумладан, миллатнинг тарихий, руҳий ва ахлоқий хотираси, қадрияти тикланиши мужассам. Миллатни миллат, Ватанни Ватан қиладиган хотираларгина халқни халқ сифатида жипслаштиради, буюк ғоялар ижросига сафарбар этади.

9 Майнинг Хотира куни деб эълон қилинганлиги маънавий, ахлоқий ва руҳий гнесеологик илдизларга қайтиш, тарихий хотирасини янгидан кашф этиш, демакдир. Вақтнинг қонуний муштарак уч координатаси — ўтган, ҳозирги ва келаси замонларнинг яхлит диалектикаси узвийлигига қатъий риоя қилиш фалсафаси негизидаги соғлом мафкурадир.

Хайриддин Султоновнинг «Хотира халқни бирлаштиради» мақоласи, унинг мазмун-мундарижаси айнан ана шу ғоявий- мафкуравий қадрият моҳиятлари билан йўғрилган.

Тарихий хотира ғояси ёлғиз Хотира куни ва Хотира хиёбони билан боғлиқ масалалар доирасида чекланиб қолмаслигини Президентимизнинг 9 Май байрамида олға сурган ғоялари — таклиф-ташаббусларидан яхши билиб олганмиз. Йўлбошчимиз халқимизнинг ибратли ўтмишини, унинг тирик хотирасини, қадриятларига муносабатимизни тубдан ўзгартиришни, қадриятларимиз маънавий моҳиятларини, ахлоқий-руҳий жиҳатларини эътироф этгани айни муддаодир.

Мамлакатимизнинг марказий майдонида ташкил этиладиган Хотира хиёбони айнан ана шу ғоялар мазмунан ва шаклан ифодасини топган тугал композицион уйғунликдан иборат бўлиши лозим. Хиёбон марказида қад ростлаши муқаррар ёдгорлик туб ижодий-эстетик, фалсафий-инсоний мумтоз мазмуни ва мафкуравий теран мундарижа аҳамиятини асрлар оша йўқотмайдиган барча авлодларнинг мангу тавоб саждагоҳига айланажак. Ушбу сатрларни ёзяпману, ички фикр-хаёлим кўзгусида негадир Американинг миллий рамзи — боши узра олтин шуълали қуёшни даст кўтариб турган Она сиймоси жонланяпти. Она сиймоси — қудратли Америка тимсоли. «Мен — Америкаликман» миллий ғояси рамзи. Хотира хиёбони ва унинг марказидаги яратилажак ёдгорлик биз учун ҳам «Мен — Ўзбекистонликман», деган келажаги буюк давлат халқининг худди шундай миллий рамзига айланишини истайман. Ана шундагина миллий меъмориал комплекс тоталитар ғояларни инкор этувчи, ғолиб ва музаффар бўлиш тарихимизнинг, бу кўҳна дунё узра қонуний, улуғ дунёмизнинг тамаддуни абадий рамзига, миллату халқнинг ахлоқий ҳодисасига айланади.

Нарзулла ШОДИЕВ,
профессор

Хатлар, хатлар, хатлар

Қачонгача ҳовуз суви ичамиз?

Ҳурматли таҳририят! Мабодо мухбирлар Зомин томонларга келиб қолишса, ҳолимиздан бир хабар олишса бўларди. Биз, Зомин туманига қарашли чорвадор қоракўлчилик ижара-ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги «Беш қишлоқ» аҳолиси ичимлик сувидан қийналяпмиз. Ёз жазирамасида сувсизликни бир тасаввур қилиб кўринг-га. Водопровод ҳақида гап ҳам йўқ.

Илгари Ховос туманига қарашли Хўжамушкент қишлоғидан сув ичардик. 1976 йилда сув омбори бунёд этилгач, биз томонларга обиҳаёт ўтмай қолди. Ёмғир ва сел сувларини ҳовузларга тўплаб тирикчилик қилишга мажбурмиз. Турли хил касалликлар чиқмоқда. Томорқалардаги экинтикинлар қовжирагани-қовжираган.

А. МАМАНОВ,
Х. ИБРОҲИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларини сайлаш бўйича 1998 йил 28 июнь куни ўтказилган сайлов натижаларини кўриб чиқди.

Ўн олтита округда ўтказилган сайловда сайловчилар Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда иштирок этдилар.

Овоз беришда 28-Чинобод округида сайловчиларнинг 88,0 фоизи, 58-Жондор округида сайловчиларнинг 98,8 фоизи, 73-Мирзачўл округида сайловчиларнинг 95,7 фоизи, 87-Бобуршоҳ округида сайловчиларнинг 98,3 фоизи, 92-Норин округида сайловчиларнинг 99,1 фоизи, 94-Тўрақўрғон округида сайловчиларнинг 98,4 фоизи, 95-Шаҳанд округида сайловчиларнинг 99,3 фоизи, 100-Камарсада округида сайловчиларнинг 98,2 фоизи, 119-Пайариқ округида сайловчиларнинг 98,4 фоизи, 151-Бинокор округида сайловчиларнинг 91,8 фоизи, 192-Ёзёвон округида сайловчиларнинг 98,6 фоизи, 200-Қудаш округида сайловчиларнинг 98,7 фоизи, 210-Гурлан округида сайловчиларнинг 97,2 фоизи, 218-Қарши округида сайловчиларнинг 95,7 фоизи, 227-Косон округида сайловчиларнинг 98,8 фоизи, 249-Бердах округида сайловчиларнинг 99,9 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов барча округларда Қонун талабларига мувофиқ ўтганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11- ва 46-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатларни рўйхатга олиш ҳамда сайланган депутатлар рўйхатини республика ва тегишли маҳаллий матбуот органларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бўшаб қолган ўринларга 1998 йил 28 июнь куни ўтказилган сайлов натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатлар рўйхати

Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Иш жойи, эгаллаб турган лавозими	Турар жойи	Депутатликка номзод кўрсатган органнинг номи	Сайлов округининг номланиши ва номери
Тошкент шаҳри бўйича					
Жалилов Шуҳрат Илҳомович	1939	Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	28-Чинобод
Бухоро вилояти бўйича					
Тўймуродова Лубат Комиловна	1950	Жондор тумани марказий шифохонасининг врачи	Жондор тумани	Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши	58-Жондор
Жиззах вилояти бўйича					
Эргашев Холиқул Сатторович	1959	Жиззах вилояти Мирзачўл тумани ҳокими	Мирзачўл тумани	Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши	73-Мирзачўл
Наманган вилояти бўйича					
Жўраев Нарзулла Қосимович	1952	Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони етакчи консультанти	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси «Ватан тараққиёти» партияси	87-Бобуршоҳ
Бобомирзаев Абдурашид	1950	Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси	Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси «Ватан тараққиёти» партияси	92-Норин
Султонов Хайриддин Мадриддинович	1956	Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг бош консультанти	Тошкент шаҳри	Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши	94-Тўрақўрғон
Абдуллаев Зоҳид Умарович	1955	«Наманганирқурилиш» трести бошқарувчиси	Наманган шаҳри	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	95-Шаҳанд
Абраров Аъзам	1941	Поп тумани «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси	Поп тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	100-Камарсада
Самарқанд вилояти бўйича					
Кўчимов Абдисаид	1951	Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси	Тошкент шаҳри	Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши	119-Пайариқ
Тошкент вилояти бўйича					
Асатов Ҳамидулла	1942	Ангрен шаҳар ҳокими	Ангрен шаҳри	Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши	151-Бинокор
Фарғона вилояти бўйича					
Мадаминов Азамат Мамадалиевич	1961	Ёзёвон тумани 1-лицей-интернати ўқитувчиси	Ёзёвон тумани	Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши	192-Ёзёвон
Усмонова Ҳабибахон	1948	Ўзбекистон тумани Тагоб қишлоқ фуқаролар йиғини раиси	Ўзбекистон тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	200-Қудаш
Хоразм вилояти бўйича					
Байджанов Ибадулла Самандарович	1947	Урганч қурилиш коллежи директори	Урганч шаҳри	Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши	210-Гурлан
Қашқадарё вилояти бўйича					
Ниёзов Эркин Эгамбердиевич	1959	Қарши шаҳар 1-гимназия директори	Қарши шаҳри	Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши	218-Қарши
Зайниев Нуритдин	1952	Муборак газни қайта ишлаш заводи директори	Муборак шаҳри	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	227-Косон
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича					
Исмоилов Умар Сапаевич	1951	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий - кадрлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари	Тошкент шаҳри	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси	249-Бердах

Янги замон одами

Айни кунларда Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф ака Қувоқовнинг кайфияти аъло. Чеҳрасида ҳорғинлик аломатлари сезилмайди.

Денгиздек чайқалиб ётган ғаллазорда етилган олтин бошоқлар қисқа фурсатда йиғиштириб олиниб, бир мисқоли ҳам нобуд қилинмасдан давлат омборларига топширилди.

Бу борадаги режалар ортиғи билан уддаланди. Кайфияти чоғлигининг яна бир сабаби шуки, Боғот тумани ва бутун Хоразм вилояти деҳқонлари давлатга дон етказиб бериш буюртмасини бажарди. Ҳар гектар ердан вилоят бўйича 50 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосилдан бўшаган жойларга шолининг тайёр кўчатлари ўтказилмоқда. Бу тажриба хўжалик миришкорлари учун оддий иш усулига айланиб қолди.

Ишнинг кўзини билган, тадбиркор раҳбарнинг иши ҳамиша беш, кайфияти доим чоғ бўлади. Бинобарин, миришкор деҳқонлар бошқа соҳаларда ҳам муваффақиятларни мустаҳкамлаш йўлида астойдил тер тўкишмоқда. Шу боис кузда пахта ва шолидан мўл ҳосил кўтарилганда ҳам Машариф Қувоқов ва у раҳбарлик қилаётган хўжалик деҳқонларининг кайфияти янада чоғ бўлади, деб ўйлаймиз.



Ўктам ШАРИПОВ олган сурат

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Омонатга хиёнатми?»

(1998 йил, 30 июнь)

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви раҳбарияти «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 30 июнь сонида чоп этилган «Омонатга хиёнатми?» сарлавҳали мақола юзасидан ўтказилган текширув ва унинг натижалари ҳақида қуйидагиларни маълум қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли қарорига асосан аҳолининг индексация қилинган пул маблағларини Сирдарё шаҳар 5996-сонли Халқ банки бўлими орқали мижозларга бериш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Текширув натижаларига кўра мақолада қайд этилган ҳолатлар, яъни фуқароларнинг биринчи талаблари бўйича тегишли пул маблағларини шаҳар Халқ банки бўлимидан ололмаганликлари қисман тасдиқланди.

Сирдарё шаҳар Халқ банки бўлими маъмурияти томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар муҳокама этилиб, шаҳар Халқ банки бўлими раҳбариятига нисбатан тегишли маъмурий чоралар кўрилди, хусусан, шаҳар бўлими бошқарувчиси эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди.

Шу билан бирга, мақолада исми-шарифлари қайд этилган фуқароларга тегишли ҳужжатлар кўрикдан ўтказилганда, А.Усановга махсус «Индексация» ҳисобидан 1998 йил давомида омонат қолдиғининг 30 фоизи миқдорида олиши керак бўлган 6720 сўм пул маблағини тўлиқича жорий йилнинг 9 июнида, А.Хабиповга шу куни махсус «Индексация» ҳисобидан 4840 сўм, П.Холмирзаевга 4 мартда 2000 сўм ва 11 июнь куни 5000 сўм, жами 7000 сўм миқдоридаги маблағлар шаҳар Халқ банки бўлимидан берилганлиги маълум бўлди.

Фуқаро Вера Колесникова эса «Талаб қилиб олинадиган» омонати бўйича мавжуд 5000 сўм пулини 11 июнь куни олган.

Мақолада номлари қайд этилган фуқаролардан айримлари билан, хусусан, З.Макунц, П.Холмирзаев ва А.Хабиповлар билан суҳбат ўтказилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги 54-сонли қарорига асосан аҳолининг индексация қилинган пул маблағлари белгиланган фоизлар асосида 10 йил давомида босқичма-босқич берилиши, хусусан, 1998 йил учун омонат қолдиғининг 1 январь ҳолатига бўлган 30 фоизи миқдоридаги маблағ йил давомида берилиши ҳақида тушунтирилди.

Рўзномада чоп этилган мақола Халқ банкининг барча туман ва шаҳар бўлимларида муҳокама этилди ва Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори Халқ банки муассасалари томонидан оғишмай бажарилиши, аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари савиясини тубдан яхшилаш борасида қўшимча амалий чоралар белгиланди.

С. Х. ЭРГАШЕВ,
Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари

Мулоҳаза, муносабат, таклиф

Юксалишми, тисарилишми

Мустақилликнинг учинчи йилидаёқ ўрта мактаблардаги адабиёт таълимида жиддий ўзгариш юз берди: 1993 йилда V-XI синфлар учун «Ўзбек адабиёти»дан янги дастур тузилди. Шу маънода истиқлолнинг мактабдаги тантанаси адабиётдан бошланди, десак муболаға бўлмайди.

Эндиликда аввалги мавҳум «Ватан адабиёти» деган қурама тушунча ўрнини аниқ «Ўзбек адабиёти» деган дарслик-мажмуалар олди. Адабиётнинг янги дастурида миллий истиқлол ғоялари ва миллий қадриятларга юксак эҳтиром сезиларлидир.

Биз «Ўзбек адабиёти» дастури асосида тузилган мажмуаларнинг 9-10 синфдаги амалиёти ҳақида сўз юритишни лозим топдик. 1993 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси мактабларида 9-10 синфларда «Ўзбек адабиёти» мажмуалари ўқитилади. Ўқувчилар икки йил энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача бўлган мумтоз адабиёт намуналарини ўрганадилар. **Икки йил давомида бир неча миллион ўқувчи ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш билан ўралашиб қолади.**

Мен услубиётчи сифатида, икки йил 9-10 синф ўқувчиларига ўзбек адабиётининг мумтоз даврини ўргатиб, уларни адабиётсевар ва китобсевар қилиши мумкин, деган хулосага ишонмайман. Аслидаям 9-10-синф «Ўзбек адабиёти» мажмуалари ўқувчиларбоп дейиш қийин, яъни улар учун куч етарли эмас. Гап шундаки, мумтоз адабиётнинг асосий намуналари луғатталабдир. Қолаверса, мумтоз адабиёт исломий ва тасаввуфий адабий матнларга бой. Ана шу сабаблар билан ҳисоблашсак, бу мажмуалар мактаб ўқитувчилари учун ҳам мағзи тез чақиладиган сўзлар эмас. Мен матншунослик нуқтаи назаридан мажмуа матнларини ўрганиб чиқиб шундай хулосага келдимки, айрим материалларни **мажмуа тузувчи олимлар учун ҳам куч етарли деб бўлмайди, чамаси...**

Масалан: X синф мажмуасида Мавлоно Муқимий байтларидан бири қуйидагича ёзилган:

Кўчага чиққач, Муқимий **калласин** ўгуртуруб
Яхши қилди нафси кофирни мусулмон қилди лой. (361-бет).

Мулоҳаза қилайлик: лойгарчиликда кўчага чиққан киши калласини ўгириб нима қиларкин? Ё халқчил шоиримиз асарларини нашрга тайёрлаган котиб-олимдан сал хатолик ўтганмикин? Қўқонликлар лойгарчиликда қўқонарава гупчагигача лойга ботарди, дейишади...

Мавлоно Муқимий асарининг тошбосма нусхасига назар ташлаб шу байтни ўқисак бошқача манзара ҳосил бўлади:

Кўчага чиққач Муқимий **калимасин** ўгуртуруб,
Яхши қилди нафси кофирни мусулмон қилди лой.

Байт мазмунига энди ишонса бўлади. Чунки лой кўчага оёқ қўя бошлаган шоир қўрқа-писа «Ло илоҳа иллаллоҳу»... дея калима ўгира бошлаган... «Калла» билан «калима» бир-биридан тамоман фарқ қиладиган икки хил тушунча эканлиги аён. Мен Муқимий асарлари нашрининг бир нечасини кўздан кечирдим ва икки хиллик: «калласин» ва «келмасин» жумласини учратдим. Таассуфки, бирор нашрда «калимасин» сўзини учратолмадим... Шунинг учун, мажмуа тузувчиларни бу ўринда айблаш ноинсофлик бўлармикин.

Ёки Алишер Навоийнинг «Лисонут тайр» достонидан олинган парчадан бир байтни кузатайлик:

Кимсагаким ул нишиман айламиш,
Бир йиғоч бошинки, маъман айламиш. (Мажмуа, 129-бет).

Матнда гап Қақнус қуши ҳақида бормоқда. Биринчи мисра мазмунидан англашиладики, Қақнус қуши биров (кимса)нинг бошига уя қўйган экан...

Абдурахмон Жомийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида Мажнун бошига қуш ин қўйгани ҳақида сўз боргани чин. Аммо Қақнус қушининг одам бошига ин қўйиши ишончсиз туюлди. Бу достонни мен 1991 йилда нашрга тайёрлаган эдим. Уни ўқиб боқсам биринчи мисра: «У ўрмонда қўнолга қилган» деган маънони англатаркан. Қиёсланг:

Бешаеким ул нишиман айламиш
Бир ёғоч бошинки маъман айламиш.

Зотан: кимса-киши: бешаўрмондир.

Мавлоно Огаҳий таржимасидаги Саъдий Шерозий «Гулистони»дан олинган бир байтда ҳам икки хато ёзилган сўз туфайли мазмун хиралашган:

Қозики егай ришва била беш хиёр,
Собит сенинг учун қилур ўн харбузага зор. (343-бет).

Байтнинг иккинчи мисраси мазмунига боқсак, қовунзор (харбузазор) қовунга зор (харбузага зор) бўлиб қолган.

Буни «Гулистон» таржимаси қўлёзмаси билан қиёслаганимда қуйидаги ҳолатда эканлигига гувоҳ бўлдим:

Қозики егай ришва билан беш хиёр,
Сабт сенинг учун қилур ўн харбузазор.

Байт мазмуни: Қози порага беш бодринг еса, сенинг фойдангга ўн қовун пайкалини хатлаб беради.

Мажмуанинг 151-бетидаги матн мазмуни қуйидагича: Шайбонийхон бир достон ёзган экан-у, уни ўқиган кишининг Муҳаммад Солиҳ шеъриятидан кўнгли совур экан: **«Шайбонийхон бир турки маснавий битибтур,** рамали мусаддаси махбун вазнидаким, «Субҳа» вазнй бўлғай, бисёр сусту фурудтур, **ани ўқуған киши Муҳаммад Солиҳнинг шеъридан беэътиқод бўлур».**

Мен ҳамма ўқитувчи ва ўқувчида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» мемуар асари бор ва улар асл матнга буни қиёслаб қуйидагича тўғри матнни топа оладилар деб ўйлаёлмайман.

«Бобурнома»да бу парча шундай берилган:

«Шайбонийхоннинг отиға бир турки маснавий битибтур, рамали мусаддаси махбун вазнидаким, «Субҳа» вазни бўлғай, бисёр сусут фурудтур, ани ўқуған киши Муҳаммад Солиҳнинг шеъридан беэътиқод бўлур».

Энди маълум бўлдики,достон Шайбонийхонга атаб ёзилган экан...

Шоир Турди Фароғийнинг мухаммасларидан айрим байтлари мазмунини мен тушунолмай қийналаман.Демак,бошқа ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам қийналишса керак.

Ҳатто «Тор кўнгуллук беклар» номли нисбатан мазмун идроки осонроқ бўлган машҳур шеъринг:

Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнга кириб,
Бир ўнгурлук, бир тиризлик, бир яқо-енглик қилинг. (203-бет) байтига берилган изоҳ ва луғат матн мазмунини муаммога айлантириб юборган.

Мажмуада ўқувчи ва ўқитувчига услубий мадад кўрсатиш учун байтдаги икки сўзга луғат берилган: ўнгур — чуқур, хандақ. Тириз — тепа. Таассуфки, ҳеч бир луғатлардан мен бу сўзларнинг бундай маъно талқинини тополмадим. Маълумки, тириз, ўнгур, яқо-енг бир тўннинг турли қисмлари, яъни шоир кишиларни бирлашишга, бир тўн ичига... киришга, бир ёқадан бош чиқаришга чақирмоқда. Бу ерда «чуқур», «хандақ», «тепа» тушунчаларига зиҳ̆ор ўрин йўқ.

Мажмуанинг бош қисмидаги ушбу байт мазмуни ҳам луғат нотўғри берилгани туфайли бузилган:

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа. (5-бет)

Байтига қуйидаги луғат илова қилинган:

ранжа-ранжиган, қийналган; ранжа қилмоқ-ранжитмоқ. (5-бет)

Агар юқоридаги Алишер Навоий байти мазмуни тўғри тушунилганда эди, унга «қадам ранжа қилмоқ» — ташриф буюрмоқ: «бормоқ» тарзида изоҳ берилган бўларди...

Келинг шу усулда 9-синф мажмуасига ҳам бир назар ташлайлик: Мажмуанинг 173-саҳифасидан бир ҳикоя ўқийлик: «Ҳикоят. Шайх Саъдий айтур: бир вақт Дамашқда ёронлар суҳбатиндан малул бўлуб, Қудс ёзиларина юз тутуб кетгим, даги ҳайвонот билан унс туттум. Ул вақтқа **тенгри таолоким**, фаранг асири бўлдум. **Туроб улус** хандақинда яҳудийлар била балчиқ ишин ишлатур эрдилар»...

Матннинг «Ул вақтқа тенгри таолоким», «Туроб улус» қисми мени ғалати ҳайратга солди: негаки, фикр мавҳум ва матн хатолари яққол намоён эди. Мен Фаридун Нафиз нашрга тайёрлаган «Гулистони бит турки»нинг ягона нусхасининг факсимил-расм нашридан воқиф эдим; унда ушбу сўзларнинг анчасини учратмаган эдим. Ноилож «Уч булбул гулшани» номли китобни очдим ва кўчирдим: «Ул вақтқа **тегриким,** фаранж асири бўлдум. **Тароблис** хандақинда яҳудийлар била балчиқ ишин ишлатур эдилар».

Савол туғилади: нега мажмуа муаллифлари «Тароблис» шаҳри номини «Туроб улус» тарзида ўзгартирганлар? Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»ида ҳам Тароблиск? «Туроб улус» сўзларини таржима қилсак: «тўзон халқ» деган маъно англатадики, бу матнга мувофиқ эмасдир...

«Гулистони бит турки» китобини нашрга тайёрлаган ўзбек олимининг хатоси мажмуада бойитилган: «Уч булбул гулшани» ва «Хоразм ёдномалари» (Филология фанлари доктори Эргаш Фозилов нашрга тайёрлаган) китобларида «тегри» - қадар,- гача маъносидаги сўз «тенгри» тарзида ўқилган. Буни ўқиган мажмуа тузувчилари текст мазмунини суриштирмай: «Тенгри» бўлгач, таоло ҳам бўлиши керак, деган ўйда «таоло» сўзини ҳам илова қилишган.

«Гулистони бит турки» (асли Голландиянинг Лейден университети кўлёзмалар фондида сақланади) факсимил нусхасидан (Анқара 1957) ўша гапни келтираман:

«Ул вақтқа тегриким, фаранж асири бўлдум». Мазмуни: фаранглларга асир бўлгунимга қадар...

Иккита сўзнинг бузиб ўқилиши, матн мазмунини мана қанчалар бузиб юборган.

Икки йил ўсмирни мумтоз адабиёт намуналари қозиғига боғлаб қўйиш адабий таълимда мақсадга мувофиқми? Мажмуаларда уни тушунишни осонлаштириш йўлларини кидириб кўрсак бўлмасмикан? Айтайлик, битта шоирдан ўнлаб ғазалларни қалаштириб ташламасдан, ҳар бир шоир ижодидан битта ёки иккита энг салмоқли намуна олиниб, унга ўша саҳифанинг ўзида мукаммал луғат, ғазал мазмуни, насрий баёни берилса. Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам мумтоз шеърий асар мағзини чаққач, уни идрок этиш ҳам, ёд олиш ҳам осонлашар, у қадар зерикарли бўлмасди, бизнингча. Жаҳон мумтоз адабиётидан ҳам хилма-хил намуналар киритилиб, дунё адабиётининг кечаги ва бугунги қиёфаси ёш авлодга манзур этилса, токи улар ўзга халқлар адабиёти ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, ундан лаззатланишсин, сўз ва ҳис сеҳрига чулғанишсин.

Менинг хавотир бўладиган жойим шундаки, икки йил давомида мумтоз адабиётдан безган ёш энди умуман адабиётга меҳр қўёлмайди!

Бугунги иқтисодий тангликда биз ўқувчилар китоб сотиб олмайди, деб шикоят қилишни биламизу, нега энди бунинг туб сабабларини изламаймиз? Бунга биз, ўзимиз, дастур муаллифлари айбдор эмасмиканмиз?

Дастур шундай талаблар қўядики: ўқувчи аруз вазнидан хабардор бўлсин ва бахрларини фарқлай олсин. Шунинг учун X синф мажмуасида «Мезонул авзон»дан парча берилади.Бирор оқил айтмайдики,«Ўзбекистонда аруз вазнини биладиган олимларнинг саноғи йигирмага етармикан?» Қайси ўрта мактаб ўқитувчиси арузни биладики, ўқувчи уни билса... **Қачонгача олим билмайдиган нарсани ўқувчи ва ўқитувчи зиммасига юклаймиз?**

Энди кўпчилик диққатини 9-синф мажмуасидаги қуйидаги матнларга тортишни истардим: «ТУНЮҚУҚ БИТИГТОШИ»

Билга Тунюқуқ бан ўзум. Табғач элинга қилинтим. Туруқ будун Табғачқа курур эрти. Турк будун қанин бўлмайин Табғачда адрилти, қанланти. Қанин қудуб Табғачқа яна ичикди. Тангри анча темиш аринч: қан бартим, қанингни қудуб ичикдинг, ичикдуқ учун тенгри «ўл» темиш, аринч» (26-бет)

Матн ана шу тилда олти бет давом этади... Айтингчи, буни ўқиб чиққунча тарс ёрилмайдиган юрак бормикан?... Балки олим, профессор чидар... Аммо ўсмир болачи?

Бундай матнлар олий филологик билимга чанқоқ талабаларга берилса, балки керакдир... Аммо мактаб ўқувчисига бунақа матнни топшириш кони зарар эмасми?

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Сирдарё вилояти Педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг ўзбек тили ва адабиёти бўлими услубиётчиси.

Ўзбекистоннинг Ғалла мустақиллигига

Асар Ўзбекистон Қаҳрамони Содиқжон Абдурасуловга аталган

БОШЛАНМА

Минг тўққиз юз ўттизинчи йил —
Қаҳрамоним Содиқ туғилди.
Қиш чилласи синади чил-чил,
Баҳор келди, ғунча тугилди.

О, нон ҳиди қанчалар ширин,
Ҳаёт ишқи ундан мужассам —
Қолмас дейман сири яширин —
Нон ҳидини достоним десам.

Бола эдим, онам раҳматли,
Иссиқ нонни узаркан доим —
Дер эдилар: «Сен бўл ҳимматли,
Баракани берар худойим.

Нон исига тўйиб ол, бўтам,
Нон ҳидига тўлсин бу борлиқ.
Элга нон бер, сахий бўл, ҳотам,
Бир увоқнинг қисмати — зорлиқ».

Қандай яхши нонннинг ҳидини
Достон қилсам, зўр қўшиқ қилсам.
Яйратолсам бир кас дидини,
Ғафлат гулин томирдан юлсам!

Қандай яхши, куйлай олсам соз,
Замонамни эта олсам шод.
Қила олсам халқимни эъзоз,
Яшар эдим беғам умрбод!

ТАШРИФ

Кун ботар тарқалди суюнчи хабар;
Таширф буюрармиш эрта Президент.
Самода кўринди Ҳумоқуш ҳайбар[1],
Ахир, узоқ эмас: Андижон-Тошкент.

Шаҳрихон юртида қувонч ўзгача,
Туман ҳокиминнинг кайфияти соз.
— Балли,— дер ҳар йигит, ҳар бир қизгача,
Суюмли халқига айтар экан роз.

Офтоб ҳам ёйилди далалар узра,
Буғдойзор ерларга тўкилди олтин.
Ҳў, зангор уфққа боғлар чўзила —
Мевалар юкидан ололмайди тин.

Фарғона канали қирғоқларида
Сайилгоҳ, оромгоҳ яна ҳам гавжум.
Пахта изи ўрнаб бармоқларида,
Марварид дон дея бошларлар ҳужум.

Оразий мозори нурланди тағин,
Ҳайратий ғазали ёдланди юз бор.
Олим Тошмуҳаммад кўз очган замин,
Тўхтасин Жалолов севган чаманзор.

Дуога қўл очиб деди битта чол:
Энди, бутун бўлсин миллатнинг нони!
Чолни ҳурматлаб дер Юртбоши дарҳол:
Аввало дон керак, ўзбекнинг дони!

Оҳиста қўзғолди машина шу дам,
Далалар қўл сиркир ортиб шиддати.
Юракдан ҳайқирар бир шоир одам:
Яша, эй нон юрти, дон мамлакати!

ЧЕКИНИШ

Оламда тўрт унсур
Менга сўз айтур:

Ер деди: Дафтарман...
Бағримга шеър ёз!

Ҳаво дер: Каптарман,
Кўнглинг каби соз!

Сув деди: уйғоқман
Кечаю кундуз...

Қуёш дер: Тўлғоқман...
Ёнаман сўзсиз!

Меҳнат дер: Шоирман;
Сиздек мангуман,

Ҳеч ўлмас Шодликман,
Чексиз Қайғуман...

ХИРМОН

Пешин бўлди ва оғди кун ҳам,
Мўмиқ[2] бўшаб қолди лапанглаб.
Икки хўкиз айланар ҳар дам,
Ота ўғлин чарчоғин англаб —

Деди: Содиқ, кел, ашула айт,
Биласанми, эшитай, қани?
Янчиш тугар шомда, кечки пайт,
Мана, тингла, сен «Ҳўп — майда»ни:

«Майда десам, ҳўп дейди, майда-ё,
майда,
Ҳўпга кўнглим кўп дейди, майда-ё,
майда.
Майда қилиб бўлган сўнг, майда-ё,
майда,
Пешонамдан ўп дейди, майда-ё майда».

Кейин Содиқ сас берди майин,
Ота эса юз терин артди...
Бола кўнгли кулди дам сайин,
Овозида қувончи ортди.

«Ҳўп ҳайда-ё, ҳўп ҳайда,
Қалқон қулоғим ҳайда.
Темир тўёғим ҳайда,
Остингдаги бошоқни
Оёғинг қилсин майда.

Ҳўп ҳайда-ё, ҳўп ҳайда,
Сомони сенга фойда».

Арқон яна маҳкам бойланар,
Икки хўкиз гирдо-гир бетин.
Ер айланар, қуёш айланар,
Бир шаббода эсади саррин.

Ота деди: «Энди шопирай!..
Еллар элаб беради донни».
Шўх шаббода келди, ёпирай,
Аллалайди мудроқ хирмонни.

НОН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Бир бурда нон дея ўклонлар айтинг?
Нон дея девона бўлғонлар айтинг?

Нондек муқаддас не, нондек азиз не?
Нон, нон, деб сотилғон ўғил не, қиз не?

Нон дебон хўрланган кампирлар, чоллар?
Бир увоқ нон учун эй қадди доллар!..

Курмак нон тилларни айлаган тилим,
Кунжара чайнаган чидамли элим...

Елим ҳам егансан дарахтдан олиб...
Сен ўша! Сен ўша — бардошли, ғолиб!..

Қайда эди, қайда зоғора нон ҳам,
Жўхори, маккаи кам эди-да, кам.

Қозонда атала — оби-ёвғондир,
Ғўжа ош қатиқлаб ичилса жондир.

Лек, буғдой нон қайда, курмак бор озроқ,
Дунёда буғдой нон нонлардан созроқ.

Қай куни тугунча келтирди поччам,
Яримта буғдой нон бор экан очсам.

Тишладим, бир юмшоқ, майин туюлди,
Кўзимдан ҳайратим шу он қуйилди.

Бу қандай нон бўлди, кўрмаган эдим,
Буғдой нон нима деб, сўрмаган эдим.

Косада қаймоқ ҳам келтирди онам,
Буғдой нон ёқарди менга жудаям.

Онам ҳам, отам ҳам емай бир бурда,
Менга термулишиб турарди шунда.

Пичирлаб сўзлади отам кўп маъюс:
Уруғлик топсам мен экардим, афсус?

— Бошга бало бўлди ўрусга қуллик,
Очлик, қаҳатчилик, ўзгармас тунлик.

Оҳ, онам жовдираб юзимга боқди,
Сўнг отам қўзғолиб, пешини қоқди.

БАҲРИОЙ

Абдубий[3] қишлоғи жуда ҳам қадим,
Абдурасул ота билар тарихин:
«Қишлоғим ўтмишин ёшин санадим,
Бир оз айтиб берай унинг таърифин:

Икки юз йилмикан бундан муқаддам,
Бобом ўрнаб қолган мана шу жойга.
Отам шунда ўтган, кейинроқ онам,
Дил қўйиб уйландим сўнг Баҳриойга».

Баҳриой чолини тутади гапдан:
Қўйсангиз ўтмишни, ҳозирни сўзланг.
Ё бугун ўриндан турдингиз чапдан,
Яхшиси, Содиқни уйлашни кўзланг.

— Хўп майли, онаси, гапимни эшит:
Кимни келин қилиб оламиз, хотин?
— Қўшни қиз Ғазнагул! Сал ўтсин
ҳайит,
Тўйни бошланг, дейман очиб гап қатин.

Баҳриой тандирга тиқиб бошини,
Иккита пиёзли патир узади.
Сўнг секин чимириб сузар қошини,
Иккиси тўй учун режа тузади.

Ғазина муносиб ўғлимизга хўп,
У деҳқон қизидир, ош, нонни қилар.
Эшик олди, уйни супуради хўб,
Эчки, сигир соғар, ҳар нени билар.

Сочи узунлигин, қош-кўзин айтди,
Роса мақтаб кетди Баҳриой қизни.
Ўзи келиб қолди Содиқ шу пайти,
Она дер: — болам-чи, уйлаймиз сизни?

— Онажон! Майлига, Ғазинагами?
— Худди ўшанга-да, айланай бўтам.
— Ўзим ошиқ бўлган гул сийнагами?
Сиз рози экансиз, не деркин отам?

— Отаси, гапиринг, беринг розилик,
Ўғлингиз танлаган ўша Ғазина.
— Англадим, ижозат! Охир қозилик
Қилмаса бўлгани, дейман камина.

Баҳриой ўғлига ёзди дастурхон,
Чой дамлаб келтирди қувониб, шошиб.
Синдириб қўяркан бир зоғора нон,
Қозонда қайнаган сут кетди тошиб.

САҲАРЛАБ...

Содиқжон уйғонди саҳар чоғида,
Қайлиғи пайқади: далага жўнар.
Қушлар сайрай кетди ҳовли боғида,
Булбуллар у гулдан бу гулга қўнар.

Ой билан жўнади далага Содиқ,
Юлдузлар жимиллаб кўзини олди.
Етилиб ётибди буғдойзор бўлиқ.
Сувни очмоқ учун кетмонни солди.

Эгатда сув ўйнаб, эркалаб оқди,
Кўм-кўк поляларни ора - оралаб.
Ўт-ўлан шабнамдан сирғалар тоқди,
Шаббода силкитди сара-саралаб.

Ёришиб келарди сархуш, майин тонг,
Уфқда кўринди қуёш шуъласи.
Йигитни элитди, қилди ҳангу-манг,
Она табиатнинг зўр ашуласи.

Содиқжон елкада кўтариб кетмон,
Уйга қайтиб келди ишни дўндириб.
Ғазина суправда ясар эди нон,
Шоҳи дуррачасин бошга қўндириб.

ЧЕКИНИШ

Баҳор экиб беради,
Ёз тафтида пиширар.
Куз битталаб теради,
Қиш омборга туширар.

Ер бешикка белайди,
Қуёш сочар бошдан зар.
Ел манглайин силайди.
Сув эркалар — жилвагар.
Солланади буғдойзор,
Бошоқлари тилла ранг.
Поя бўлса-да пойдор.
Юкин кўтарар аранг.

Ҳар фасл ҳам мустақил
Билади ўз бурчини.
Уларда зўрдир ақл,
Кўрсатади кучини.

Ҳар биттаси уч ойдан,
Ўн икки ой бир йилдир.
Аммо, жилмайди жойдан,
Ака-ука, сингиллар.

Йил нима-ю, ой нима,
Уч юз олтмиш беш кундир.
У ўтар-кетар дема,
Умри тўла мазмундир.

Баҳор уруғ экади,
Ёз қилади парвариш.
Куз эса қоп тикади,
Омборларга жойлар қиш.

МОМО

Хўрсиниб-хўрсиниб гапирди момо:
«Оби нон», «Гижда нон», «Нони Осиё».

«Патир нон», «Лочира», «Нони нақшинкор»,
«Ширмой нон», «Кулча нон» — кўп
хиллари бор.

«Чап-чап нон», «Қашқари», «Оби жим-
жима»,
«Ўй нони», «Тўй патир» яна қай нима?

«Қўшалоқ ширмойи», «Ширмойи кулча»,
«Кунжутли бозор нон», номи қирқ хилча.

Седана сепилган «Кунгурали нон»,
Яна «Нони байрам», «Тафтон» ва
«Турфон»,

Бор «Нони заргарон» ва «Куёв ширмой»,

Қорадарё қирғоқларида
Чумолидай турмуш кечирдик.
«Бўритепа» қумлоқларида
Ҳар экинга меҳр ичирдик.

Йиллар кечди, «Абдубий» яшнаб —
Боғ-роғларга бурканди мана.
Далаларда йилқилар кишнаб,
Оғилларга тўлди қўй, тана.

Мамат[4] раис меҳнати улуғ,
Шижаотли бир деҳқон эди.
Аҳмад[5] билар эди йўл-йўриғ,
У Одилга бир куни деди: —

Ер тилини биласанми сен,
Мен англайман минг тилда сўзлар.
Раис, шуни қиласанми сен,
Агар, қилсанг, «қипчоқлар», «юзлар» —

Сени бошга кўтарса керак —
Зовур ковла, ер заҳини ол.
Уватларга эккин тут, терак,
Ҳар майдонга ўғит сол, ғўнг сол.

Овул буво қолди ўйланиб,
Кўз олдида ўтмиш ва кечмиш.
Ғудиради, деди сўйланиб —
Қачон ўнгланади қинғир иш.

Пахта! Пахта! Дон, ғалла қани?
Нон емасми ёки бу ўзбек.
Кўзимга кўринсин ўша ман-мани?
Билмам, қачон яшармиз ўздек.

Шўр ювмасанг очилмайди ер,
Зое ўтар деҳқоннинг умри.
Аёл раис қани нима дер,
Бир сўз десин қаҳрамон Қумри.

ҚУМРИ

Овул буво ҳақ гапни деди,
Меҳнат экан бахтнинг дояси.
Ер шўрланди, тупроқни еди,
Яхоб бермай қўйдик боиси.

Пахта босиб кетди ҳар ёқни,
Дон экишга йўқдир ижозат.
Кесак ғажир икки аёқни,
Эгатларга синади қомат.

ЧЕКИНИШ

Кунлар зое кетмасин,
Ҳар он бекор ўтмасин.
Аттанг пайти етмасин,
Ғафлатни қув, эй Одам!

Бир назар сол ортингга,
Нима қилдинг юртингга.
Эришдингми шартингга,
Фурсатни қув, эй Одам!

Ўйнадинг ҳамда кулдинг,
Шамоллар каби елдинг.
Бахтинг гулини юлдинг,
Иллатни қув, эй Одам!

Энди, замон ўзгарди,
Руҳият-ку тозарди.
Иймонга сол назарди,
Шиддатни қув, эй Одам!

То тириксан ҳушёр торт,
Халқ юкин елкангга орт.
Тўлан Низомдай кушод,
Миннатни қув, эй Одам!

ТАЛОФАТ

1

Хуфтон эди. Бирдан шамол қўзғолди.
Ҳаво айнаб бузилди чексиз фалак.
Ой йўқолди, милён юлдуз йўқолди,
Чақмоқ чақиб ўкирди зўр гулдирак.

Содиқ туриб, даласига югурди,
Сел қуюлди, сўнгра тушди ширғоқ дўл.
Совуқ қуюн бураб келди, қутирди,
Буғдойзор чайқалди бамисоли кўл.

Майсалар белидан кесилди чирт-чирт,
Эгатлар тўлғонди бўтана сувдан.
Пишмаган бошоқлар бўлар экан мўрт,
Булутлар йиғлади туриб уйқудан.

Содиқ қотиб қолди тикка, серрайиб,
Уст-боши шалоббо, кетмон суянчиқ.
Ялангбош, ялангтўш, турар мунғайиб,
Талофат жисмига солганди санчиқ.

2

Буғдой илдизидан унди бачкилар,
Кўчат қалинлиги қопланди чандон.
Қай кун бўшаб кетиб мол, қўй, эчкилар,
Етилган майдонни айлади пайҳон.

Яна кўп пушаймон, яна минг аттанг,
Содиқжон меҳнати чиқди чиппакка.
Буғдой майсалари сўлди, ҳоли танг,
Айрим туп поялар ўхшар чўпакка.

3

Буғдойзор майдони тирилди қайта,
Яшнади ниҳоллар, бўлиқ бошоқлар.
Сўнг «Олақанот»лар ёпирилди эрта.
Афғоний шум қушлар, бахил қочоқлар.

Бир томон ҳашарот, бир томон ҳайвон,
Мўл ҳосил олмоққа туғдирди шубҳа.
Дунёда кўп экан яхшига зиён,
Тақдирда не қисмат: иньом ва туҳфа.

Содиқ иш бошлади, жўш урди меҳри,
Ишонч ва тажриба мағрур айлади.
Буғдой далаларин товланди сеҳри,
Ҳар бир туп тўлишди, ҳар туп чайлади.

Яхшиям умид бор, соғлом тилак бор,
Меҳнат бор, ғайрат бор гуллайди олам.
Хирмонлар бошида Ватан барқарор,
Юртим абадийдир, мангудир бахт ҳам!

ЎРИМ

Қуёш тикка келиб тўхтади,
Яраклайди қизил комбайн.
Амриқони кимдир мақтади,
Бункер тўлар дам ўткан сайин.

Содиқ кўнгли ҳаводай очиқ,
Қайга сиғсин нуқра-нуқра дон.
Яктагининг тугмаси ечиқ,
Қафасига сира сиғмас жон.

Такрорлайди ота дуосин:
Ўғлим, уйинг буғдойга тўлсин!
Эсда сақлар она нидосин:
Тупроқ тутсанг у олтин бўлсин!

Дала йўлда кўринди бехос,
Икки, учта енгил машина.
Кўнгилларни элтди эҳтирос,
Юракларда ўчмас паъшида.

— Хизр келди! Хизр — дер бир чол,
Пайдо бўлди улуғ Юртбоши.
Комбайнни у минди хушхол,
Техниканинг экан сирдоши.

Ўрим қизир, қизир тобора,
Бу йил дон кўп, бу йил ҳосил мўл!
Кўкда қуёш чалур нағора:
Баланд келур, баланд келур қўл!

СОБИҚ ДАВР ТАРИХИ

Ҳай ўзбегим, ўзбегим,
Назари тўқ, ўзбегим.
Нонини биров еса,
Парвоси йўқ ўзбегим.

Ўзи емай едирган,
Ҳар кимни ҳам кийдирган.
Босиб келган ёвини
Меҳнат қилиб ийдирган.

Буғдой эк, сўзим англаб,
Ўз ерингга, далангга.
Замин нидосин тинглаб,
Бўғзимизда аланга.

Ҳай ўзбегим, ўзбегим,
Сувинг — аждод қонидир.
Шу қаро тупроқ эса
Деҳқонларинг жонидир.

Сен Шоаҳмад отасан,
Мунис Меҳри опасан.
Ҳар етимга бергали
Ҳамиша нон топасан.

Дунёда ўлмас номсан,
Навоийча каломсан.
«Сен етим эмас» деган,
Шоир Ғафур Ғуломсан.

Сен ҳамиша бойдексан,
Кўкда тўлин ойдексан.
Икки кўзи чақнаган —
Ҳе, сен ўша Ойбексан!

Сен бобомсан — баркамол,
Бузурғворим — Низом чол.
Сен қуёш хирмонисан,
Нонинг ҳалолдан ҳалол.

Тандири бор, қозон мой,
Дастурхонда гул чирой.
Тонгларда хамир қорган —
Сен онамсан Ўғилой.

Дон келар, деб сўйлама,
Чет давлатни ўйлама.
Сандиғингни қулфлаб қўй,
Сен ўзгача бўйлама.

Ҳай ўзбегим, ўзбегим,
Ўзлигингни билсанг-чи?!
Аждодларинг ким эди,
Қилганини қилсанг-чи?!

КАРВОН

Олтин дон карвон-карвон,
Ҳар жойда бор тегирмон.
Омборларинг лиммо-лим
Мустақил Ўзбекистон!

Тегирмон тош айланур,
Ханфага дон жойланур.
Дам ўтмасдан ун тўла
Қоплар оғзи бойланур.

Содиқжонлар яшасин,
Ёзласин ҳам қишласин.
Момиқ кўптирма нонлар
Элимизни хушласин.

Уйи нонга тўлганлар,
Бой, бадавлат бўлганлар.
Хотирдан ҳеч чиқмасин,
Йўқчиликдан ўлганлар.

Ай, Туркистон, Туронлар,
Бўлмасин ҳеч гумонлар.
Ерли Ўзбекистонлар,
Сувли юрти омонлар!

Ўтаберсин карвонлар,
Тугамасин хирмонлар,
Байроқлар ҳилпирасин,
Кўриб қўйсин замонлар!

ҚУВОНЧ

Кечки пайт. Радио карнайи ларзон,
Ғалла бўйлаб чиқди меҳнат якуни:
Абдурасул ўғли деҳқон Содиқжон -
Меҳнат қаҳрамони!! Эшитди шуни -

Ташқари отилди, одамлар тўп-тўп,
Ҳаяжон ичида бутун бир қишлоқ.
Бутун туман халқи севинарди кўп
Сим қоқди вилоят ҳокими шу чоқ.

Минг шукр, минг шукр, деёлди фақат,
Отаси руҳига қилди тиловат.
Роҳат бор эканку, ким қилса меҳнат,
Шу-да мустақиллик берган саодат!

Тун бўйи уйқу йўқ, олқиш ва табрик,
Сўнгги бор қичқирди бабоқвой хўроз.
Содиқжон кетмонни кўтариб тетик,
Даласи бошига етганда бир оз.

Тўхтаб қолди, уфққа қадаб кўзини,
Унга тутган эди қуёш гулдаста.
Бир енгил ҳис этиб шу он ўзини,
Муқаддас заминни ўпарди аста.

НИҲОЯ

Чайқалур буғдойзор,
Шовуллайди дон.
Кўкда қуёш кулар,
Юксалар хирмон.

Кулча юлдуз бўлиб,
Ял-ял ёнади.
Патир жамолидан
Ой ҳам тонади.

Пўрсилдоқ нон пишди,
Косов куяди.
Ғазнани эркалаб,
Содиқ суяди:

— Онаси, ҳамиша
Юзларинг шодон.
Табассуминг асил,
Тилларинг бийрон.

— Дадаси, чой ичинг,
Мана, гўшт сомса.
— Э, яша, таоминг
Меҳрингдан томса.

— Рост-да, сиз бердингиз
Унни дадаси.
Шу-да, шу-да ахир,
Эрнинг ваъдаси!!

Сукунат юз берди,
Содиқ бир даъфа
Оҳиста қўзғолиб
Отди қаҳ-қаҳа:

— Сен, хотин, суюклим,
Уйинг тўла дон.
Ҳимматинг кенг, гўё
Сен — Ўзбекистон.

— Дадаси, кўксингиз -
Бир олтин юлдуз!
Мудом ёниб турар
Кечаю кундуз!

Суҳбат чўзилади,
Адоғи йўқ ҳеч.
Аланга пуркайди
Тандир эрта-кеч...

Далалар ҳансирар,
Яна ҳосил мўл!
Назар сол. Сен тикил,
Тушиб қолса йўл.

Чайқалур буғдойзор,
Шовуллайди дон.
Кўкда қуёш порлар,
Юксалар хирмон.

Кучланур водийлар,
Ҳар қишлоқ яшил.
Деҳқон куни туққан,
Озод ҳар кўнгил.

Истиқлол мангудир,
Ватан мустаҳкам!
Миллат ишлаётир —
Якдил, жамул-жам!

Наслу насаб тоза,
Юз - буғдой ранглиғ.
Фидойи зўр авлод -
Алпомиш янглиғ.

Оламни боғлайдир
Пахта толаси.
Тақдир супрасида
Зўр зуволаси!

Ҳамиша ёзиқлиқ
Улуғ дастурхон.
— Салом, Ўзбек! дея -
Аримас меҳмон.

Ҳар дилда ҳилпирар
Ҳурлик байроғи,
Амир Темур ёққан
Ўзлик чироғи!

Йўлбошчи мардона,
Давлат бой, буюк,
Унинг елкасида
Энг муқаддас юк!

Имон бут, нон бутун,
Ҳеч тегмасин кўз!
Қиссам шу, Ўқувчим,
Энди, сенга сўз!

---

[1] - Ҳайбар — мустаҳкам, улуғвор.
[2] - Мўмиқ — ҳайвонларни айлантириш учун хирмон ўртасида маҳкамланган ёғоч.
[3] - Шаҳрихондаги қишлоқ.
[4] - Шаҳрихонлик эски раислар.
[5] - Уруғларнинг номи.

Шарҳлаш ҳам санъат

Қарийб бир ойдирки юртимизнинг миллионлаб мухлислари курраи заминда ҳаяжонланиб ўтирган ишқибозларга ҳамнафас бўлиб туришибди. Буни аввало истиқлол шарофатидан деб билиш керак. Чемпионлик учун ўтказиладиган жами 64 учрашувнинг Ўзбекистон телевидениеси орқали олиб кўрсатилиши ишқибозларга ҳақиқий совға бўлди. Қизиғи шундаки, жаҳон чемпионати ўйинлари ҳақида фикр билдириш ўзбек шарҳловчилари учун маҳорат мактабига айланди. Боиси, 32 жамоа, 700 нафардан кўпроқ футболчининг исм-шарифини билиш, майдоннинг қаерида қандай ҳаракат қилаётганини илғаш, ҳужум ё мудофаада турганини кўришнинг ўзи бўлмайди.

Маълумки, шарҳловчи учун асосан футболни севиш ва унинг сирларини билиш тақозо этилади. Унинг бирон бир жамоага мухлислик қилиши ўринли бўлмайди. Чунки, холисликка путур етиши мумкин. Тўғрисини айтганда, ўзбек шарҳловчилари Францияда давом этаётган учрашувларни Тошкентда экран қаршисида ўтириб шарҳлашни ўринлатишяпти. Муҳими, шарҳларни ўз она тилимизда тинглаяпмиз. Шунга қарамай, баъзи мулоҳазаларимизни айтсак фойдадан ҳоли бўлмас.

Франция — Парагвай учрашувидан олган таассуротларимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, шарҳлашда андак шошмашошарликка йўл қўйилаётгани кўзга ташланди. Хусусан, Парагвай дейиш ўрнига Колумбия деб юбориш, ЖАР ҳақида сўзлаётиб, «Жанубий Араб Республикаси» деб қўйиш ғашга теккандай бўлди. Шунингдек, тўп майдон ташқарисига чиқариб юборилди, деган иборани «тўп майдон четига чиқди» деса ҳам бўлади-ку. Кейин, дақиқа (минут), сония (секунд) сўзларининг фарқига борсак. Бир сўз билан айтганда, шарҳловчиларимизнинг меҳнатларини оқилона эътироф этиш билан бирга уларнинг малакали шарҳловчи бўлиб камол топишларини истаб қоламиз.

Озодбек ДИЁРОВ

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 6

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўйингиздан бахт аримасин». Премьера.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Ёзувчилар — болаларга». Э. Раимов.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Подшо Пётр арабни уйлантиргани ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
12.05 «Шаҳар — бедарвоза эмас...».
12.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
13.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси мақомчилар ансамблининг концерти.
13.35 — 14.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «От». Мультфильм.
18.20 «Ўзбекистон қаҳрамонлари». Холҳўжа Умаров.
18.40 «Олам ва одам».
19.05 «Сиҳат-саломатлик».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Равшан Комилов қуйлайди.
22.05 «Қонун ва биз».
22.40 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 20-кўй.
23.20 «Ахборот».
23.45 — 23.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан». Телесериал.
19.00 «Ҳимоя».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.20 Экранда, премьера. «Таггер». Телесериал (Шотландия).
22.10 15 дақиқа спорт ҳақида.
22.25 «Даракчи»(рус тилида).
22.35 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Юрган дарё».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Кинонигоҳ. «Тўққиз ой».
*
00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўсатувлари
*
20.40 «Қулолчилик санъати». Телефильм.
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «М. М. шоу».
22.00 «Гуноҳи кабир». Бадиий фильм.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Умид».
19.45 «Жаҳон».
20.05, 21.35 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Ҳаёт карвони».
21.15 «Намастэ».
21.40 Кинематограф. «Тўй айёдор». Бадиий фильм.
23.00 Спорт-тайм.
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 7

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қўшиқ билан бошланар тонгим». Мусиқий дастур.
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади». Музробот ва музроботликлар». Премьера.
9.40 «Рақс, рақс, рақс...»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Болалар учун. «Мактублар-кабутарлар».
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Математика.
*
12.05 «Олам ва одам».
12.25 — 14.00 Кундузги сеанс. «Ой—44». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бизнинг азиз боболар».
18.30 «Ёшлик» студияси. «Дардингизни олай...».
18.45 «Чорраҳа».
19.00 «Оиламиз оҳанглари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Қалқон».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Таврифдан сўнг. «Норин истиқболи».
21.30 «Акс-садо».
22.00 «Келин-куёв». Телешоу.
22.50 «Ахборот».
23.15 Санъат усталарининг концерти.
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Кўрсатув тугагач — Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Нишондаги полициячи». Бадиий фильм.
23.20—23.40 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Ярим финал.
20.35 «Спорт-лотто».
20.45 «Дунё ва болалар».
21.05, 23.10 — Эълонлар.
21.10 «Морена Клара». Телесериал.
21.55 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.15 «Мезон».
22.30 «Автосалтанат».
22.40 «Дурдаршан».
23.10 Олтин хазина. А. Навоий «Искандар» спектакли. 2-қисм.
00.15—00.25 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 9

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Оналарга тутманг осон...». Мусиқий дастур.
9.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.20 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан кутади».
9.40 «Ушалмаган орзулар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жавохирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
10.30Абитуриентлар, сизлар учун! Она тили.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Физика.
*
12.05 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида».
12.25 «Хирмон тўлиб, тўкилди дон».
12.45 «Девқомат ва булут».Мультфильм.
12.55 Кундузги сеанс. «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 1-серия.
14.10 — 14.30Оила ва жамият».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.25 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қалб минбари».
21.20 «Ер келади, кўзлари хумор келади». Мусиқий дастур.
21.50 «Тафсилот».
22.15 «Сомон йўли».
23.15 «Ахборот».
23.40 — 23.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.00 «Жажжи давра».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Равшан Комилов қуйлайди.
22.05 «Қонун ва биз».
22.40 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 20-кўй.
23.20 «Ахборот».
23.45 — 23.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўсатувлари
*
20.40 «Дулолчилик санъати». Телефильм.
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «М. М. шоу».
22.00 «Гуноҳи кабир». Бадиий фильм.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Умид».
19.45 «Жаҳон».
20.05, 21.35 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Ҳаёт карвони».
21.15 «Намастэ».
21.40 Кинематограф. «Тўй айёдор». Бадиий фильм.
23.00 Спорт-тайм.
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.35 «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан». Телесериал.
19.00 «Ҳимоя».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.20 Экранда, премьера. «Таггер». Телесериал (Шотландия).
22.10 15 дақиқа спорт ҳақида.
22.25 «Даракчи»(рус тилида).
22.35 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Юрган дарё».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Кинонигоҳ. «Тўққиз ой».
*
00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўсатувлари
*
20.40 «Дулолчилик санъати». Телефильм.
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Ишонч телефони».
21.50 Оскар совриндорлари: «Шамолларда қолган ҳисларим». (1940 йил) Бадиий фильм. 1-серия.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Умид».
19.45 «Жаҳон».
20.05, 21.35 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Ҳаёт карвони».
21.15 «Намастэ».
21.40 Кинематограф. «Тўй айёдор». Бадиий фильм.
23.00 Спорт-тайм.
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 8

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзгани ёр этма ҳеч». Мусиқий дастур.
8.45 «Бокира туйғулар».
9.05 «Мунавварқори». «Ўзкинохроника» премьераси.
9.20 «Озод ва обод юрт».
9.35 «Ҳайр, боғчажон!»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Биология.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Ўзбекистон тарихи.
*
12.05 Ўзбек қуйларидан концерт.
12.30 «Акс-садо».
13.00 «Жонсарак». Мультфильм.
13.10 «Келин-куёв». Телешоу.
14.10 «Маърифат маскани».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўзгу». Тележурнал.
18.30 «Инновация: Замон ва жараён».
18.45 Бир жуфт қўшиқ.
18.55 «Соя—XXI аср маҳсулоти».
19.05 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Ёшлар» телеканали
1. «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
2. «Санъат дўстликка чорлайди». Юлдуз Усмонова — Голландияда.
*
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Ярим финал.
23.50 «Ахборот».
00.15 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 21-кўй.
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Ҳонадон».
20.15 «Қулгига нима етсин».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳудуд».
21.3 «Таггер». Телесериал.
22.20 «Кўзгу».
22.40 «Даракчи».
22.50 Кинонигоҳ. «Толиққан отларни отиб ташлайдилар, тўғри эмасми?!»2-қисм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
* * *
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чепионати. Ярим финал. Кўрсатув тугагач — Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Нишондаги полициячи». Бадиий фильм.
23.20—23.40 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Ярим финал.
20.35 «Спорт-лотто».
20.45 «Дунё ва болалар».
21.05, 23.10 — Эълонлар.
21.10 «Морена Клара». Телесериал.
21.55 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.15 «Мезон».
22.30 «Автосалтанат».
22.40 «Дурдаршан».
23.10 Олтин хазина. А. Навоий «Искандар» спектакли. 2-қисм.
00.15—00.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 10

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Лирик тароналар.
8.45 «Юзма-юз».
9.05 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
9.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
9.45 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Кимё.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Томчи».
11.40 «Халқ ижодиёти».
12.05 «Жараён». Тележурнал.
12.30 Кундузги сеанс. «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 2-серия.
13.45—14.00 «Мезон».
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Парвоз». Халқаро аэрокосмик мактабининг 10 йиллигига. 18.35 «Ўтмишдан садолар».
18.50 «Фермер». Телетанлов.
19.10 «Ранглар жилоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маърифатнома».
21.30 «Халқ ҳофизларининг концерти».
22.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 22-кўй.
22.50 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури
23.15 «Азиз сиймолар».
23.45 Бадиий фильм.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.35 «Экранда — Дэвид Копперфилд».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.10 «Туйғуларим».
20.15 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Яхши дам олинг».
21.20 «Таггер». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Бокс. Бокс. Бокс.
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
*
23.05 Кинонигоҳ. «Трюклар устаси».
00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
6.30—8.00
17.20—20.35
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
21.00—21.35 РДТ «Вести».
*
21.35 Оскар совриндорлари: «Шамолларда қолган ҳисларим» (1940 йил). Бадиий фильм. 2-серия.
23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 «Таъзим».
19.25 «Наволарда аён этсам».
19.45 «Саломат бўлинг».
20.05, 21.55 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Уй остонадан бошланади».
21.25 «Дурдаршан».
22.00 Кинематограф. «Севгим менинг, андухим менинг». Бадиий фильм.
23.30 Араб эстрадаси.
24.00—00.10 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 11

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳрух» клуби.
9.20 Ойбек. «Оқшом маликаси». «Ўч» достони асосида видеофильм.
10.15 «Ёшлар» телеканали.
1. «Сиз ва биз».
2. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
3. «Ўзбекистон аскарлари».
4. «Ўрзулар қанотида».
5. «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
* * *
12.05 «Зиёрат».
12.15 «Ўйла! Изла! Топ!». Телебеллашув.
12.55 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.25—14.30 Кундузги сеанс. «Алп йигитнинг уйланиши». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультолам.
18.20 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
21.50 «Оила». Тележурнал.
«Тунги ёғду» дам олиш дастури
22.15 «Мусиқий саёҳат».
22.35 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 3-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. III ўрин учун. Кўрсатув тугагач — Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.20—20.35
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
*
20.35 Эълонлар.
«ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ» телекўрсатувлар дастури соат 20.40дан намойиш этилади.
*

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Бу ажиб дунё».
11.35—12.00 «Спектаклдан сўнг».
*
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.55 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсен».
21.10 «Тақдирлар».
21.35 «Осиё монитори».
22.00 Киносалон.
23.40 Хит коллекция.
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 12

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «ЕШЛАР» телеканали
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Пўлат тулпорлар».
3. «Сочининг савдоси тушди».
4. «Ёшлар ва эстрада».
* * *
12.20 «Санъат олами».
12.40 «Ҳазрати Инсон».
12.55 «Маҳалламиз болалари». Телебеллашув.
13.55 «Чолиқуши». Бадиий фильм. 7-қисм.
14.45 — 15.35 «Оталар чойхонаси». Мусиқий- дам олиш дастури.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.30 «Янги тароналар». Миллий эстрада қўшиқ ва куйлари. I Республика танлови ғолибларининг концерти.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
21.55 Кино янгиликлари.
22.15 Жаҳон киноси қолдузлари.
22.35 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 4-қисм.
23.40 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Финал.
01.40 — 01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бор экан-да, йўқ экан».
8.20 Урдубодий. «Беш сўм». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
9.10 «Бизнес академия».
9.25 Экранда, премьера. «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Телесериал.
10.15 «Дойче Велле» тақдим этади...»
10.35 «Лавжой». Телесериал.
11.25 Эстрада тароналари.
11.45 Болалар экрани.
13.25 «Франция-98».
14.05 «Нигоҳ».
14.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ
15.05 Кўрсатувлар дастури.
15.10 Жаҳон халқлари эстрадаси.
15.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
16.15 «Нафосат».
16.25 «Қалб таронаси».
16.45 «Мультипанорама».
17.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Титаник сири». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 «Жараён».
19.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 Келгуси ҳафтада.
20.20 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Далласс». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Изҳор».
22.35 Якшанба кинозали. «Экстерминитор».
*
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Финал. Кўрсатув тугагач — Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.50 «Цирк, цирк, цирк!»
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20—23.10
*
23.10 Эълонлар.
23.15 «Ҳунарли хор бўлмас». Телекўрсатув.
23.35 — 00.05 «Таҳлилнома» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

9.00 «Хайрли тонг!»
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 — Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 Мусиқий Олимп.
14.20 Клип—антракт.
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 «Иштирок этувчилар».
15.10 Кундузги сеанс.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
*
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Мультфильм».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Хайрли оқшом!».
21.05, 23.05 — Эълонлар.
21.10 «Кобра». Телесериал.
21.50 «Бугунги кун мавзуси».
22.05 «Ютиб олинг ва сарф қилинг».
22.35 «Жаҳон киноси янгиликлари».
23.10 Киносалон.
00.40—00.50 «Хайрли тун!».

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 4 iyul, shanba № 79 (22.316).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Тўрт «зўравон»ни кутиб

Асримизнинг сўнгги жаҳон чемпионати поёнига етай деб қолди. Кўзда тутилган 64 учрашувдан 58 таси ўйналди. Бор-йўғи яна олтита учрашув бўлади. Қизиғи шундаки, ҳалигача энг билагон тахминчию башоратчилар ҳам фалон жамоанинг омади чопиб турибди, деб аниқ айтолмаяпти. Кеча Бразилия — Дания ва Италия — Франция жамоалари ўртасида ўтказилган учрашувлар билан чорак финал ўйинлари бошланди. Бугун бўладиган Голландия — Аргентина ҳамда Германия — Хорватия учрашувларидан кейин жаҳон кубогига қўл узатувчи тўрт жамоа сараланади. Бу дегани, 32 жамоадан ажралган тўрт «зўравон»дир. Чунки, ярим финал ўйинларидан кейин қўли баланд икки жамоа айрилиб чиқиб, ҳал қилувчи, яъни чемпион унвонини олиш учун курашга чоғланади. Ярим финалда ютқазганлар эса ўзаро учинчи ўрин учун баҳслашади.

Бугун бўладиган икки учрашув ҳақида фикр юритадиган бўлсак, Германия Хорватиядан устун келади ёки аксинча хорватлар бўш келмайди, деб тахмин қилиш қийин. Боиси, олмон футболчилари чорак финалгача учта ғалаба, битта дуранг натижа кўрсатишган бўлса, хорватлар ҳам шунча ғалабага эришиб, бир бор имкониятни бой беришган. Лекин, уларнинг ҳар иккиси ҳам курашни давом эттиришни жуда исташи табиий. Шунингдек, Голландия — Аргентина учрашуви ҳам кескин ўтиши кутиляпти. Гап шундаки, бу ўйинда Оврупа ва Лотин Америкаси футболи ўзига хос синовдан ўтади. Голландлар ҳисобида ҳозирча иккита ғалаба, иккита дуранг бўлса, аргентиналиклар тўрт марта ғалаба натижасидан баҳраманд бўлишган. Бунинг устига голландлар ҳали бирор марта жаҳон чемпиони деган шарафли ном завқини суришмаган. Аргентина жамоаси эса бундай шарафга икки марта эришган. Шунга ўхшаш хорват футболчилари ҳам чемпионликни ўзлари учун эзгулик деб тушунишади. Олмонлар эса уч марта чемпион бўлишган.

Нима бўлганда ҳам бетакрор воқеа ва тасодифларга бой, кескин муросасиз баҳслардан кейин асримизнинг сўнгги чемпиони аниқ бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ

Ассалом, Франция!

Ўзбекистон ва жаҳон

Тошкент — Париж ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатнови бошланди

Олти ярим йилдирки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси рамзи туширилган самолётлар жаҳон узра парвоз қилмоқда. Авиакомпаниямиз дунё фазо майдонида тобора дадиллик билан нуфузли ўринни эгаллаб бормоқда. Ўзбек учувчилари бошқараётган самолётлар Европа ва Осиё, АҚШ ва МДҲ мамлакатларига парвоз қилмоқда. Йўловчиларнинг манзилини яқин қилиб, жаҳон андозалари даражасида юксак хизмат кўрсатиляпти. Ҳаво қатновларининг умумий масофаси эндиликда 2 миллион километрдан ошиб кетди. Фақат ўтган йилнинг ўзида халқаро қатновларда 2 миллион 200 минг йўловчига хизмат кўрсатилиб, салкам 45 минг тонна юк ташилди.

Жаҳон авиақатновлари бозоридаги мавжуд кучли рақобат шароитларида бундай юксак натижаларга эришиш ва ўзбек учувчиларининг маҳоратини ошириш да улар бошқараётган «А-310», «Боинг-767», «Боинг-764» ва «RJ-85» каби энг замонавий самолётлар қўл келмоқда. Яқинда улар сафига яна бир «А-310» аэробуси қўшилди. Ғарбий Европа «Эрбас Индастри» консорциуми томонидан мамлакатимиз буюртмасига кўра, Тулузадаги самолётсозлик заводида ишлаб чиқилган ва «Бухоро» номини олган ушбу самолёт 193 йўловчи учун мўлжалланган. У ҳам мамлакатимиз довруғини оламга ёйишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Шуниси қувончлики, «Бухоро» Тошкент билан Париж ўртасидаги янги ҳаво қатновини очди. Бунда қандайдир рамзий маъно бордек. Боиси, Ўзбекистон ва Франция ўртасида ҳаво қатновининг очилиши мамлакатимиз авиация ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб турибди.

Моҳир учувчи Евгений Прокопенко бошчилигидаги экипаж бошқарган «Бухоро» аэробуси Тошкентдан кўтарилиб, олти ярим соатдан сўнг Франкфурт шаҳри аэропортига оҳиста қўнди. Йўловчиларнинг бир қисми Германияда тушганидан сўнг ҳаво кемаси Париж томон парвоз қилиб, белгиланган вақтда Франция пойтахтининг «Шарль де Голль» аэропортига қўнди.

Учувчиларимизга гуллар тақдим этилди. Аэропортдаги тантанада Ўзбекистон делегациясининг бошлиғи, миллий авиакомпаниямиз бош директори Б.Беседин, Ўзбекистоннинг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тоҳир Мамажонов, Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод-Ришар сўзга чиқдилар. Улар мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида очилган тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг аҳамияти ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Айниқса, Жан Клод-Ришар жанобларининг ўзбекча дил сўзлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Бу мамлакатимизга ва халқимизга бўлган меҳр-муҳаббат изҳори, халқларимиз ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкам кўпригидир.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.
Тошкент — Франкфурт — Париж — Тошкент.

ЎзАСК «Йўловчи» ҲЖ Тошкент филиали

Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни таклиф этади

АВТОКОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

— Двигатель — ГАЗ-24
— Двигатель — ГАЗ-53
— Насос м